

КРЕМЛДА СУХБАТЛАР

куматининг бошлиғига ва Норвегия халқига миннатдорчилик ихзор этди.

Томонлар Совет—Норвегия муносабатларига доир масалаларни муҳокама қилиш вақтида ҳар икки мамлакат ўртасида яхши қўшилиқлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ҳамкорликни давом эттириш ва ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидладилар. Н. А. Тихонов давлатларнинг амалий ҳамкорлиғи, уларнинг тинч-тотув яшаш принципилари асосида кескинликни юмшатиш ва халқлар ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсидида қон

лар министри М. Бартлеттин қабул қилди.

Н. А. Тихонов К. У. Черненконинг вафоти муносабати билан Мексика ҳукумати-нинг таъзияси учун М. Бартлетта миннатдорчилик билди-рди.

Унинг ўзгарадиги дўстона суҳбат вақтида турли соҳа-ларда Совет — Мексика му-носабатлари ривисқилиб бо-ратанлигидан мамнунийат изҳор қилинди ва ҳар икки томон иккала мамлакат халқ-ларининг манфаатлари, тинч-лик ва халқаро ҳавфсизлик-ни мустаҳкамлаш манфаа-тлари қўзлаб, СССР билан Мексика ўртасидаги зааро манфаатли ҳамкорлигини яна-

А. Тихонов К. У. Чернышюковнинг вафоти муносабати билан Ливан халқи ва ҳукумати таъзия изҳор қилганлиги учун Р. Карамга миннатдорчилик билдирди.

Сўхбат чоғида Совет Иттифоқининг Ливан халқи томонидан Исроил оккупациясига қарши, Исроил қўшинларини Ливаннинг жанубидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш йўлида олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш позицияси кўзга тушиб эъланилди.

Ушбу куннинг Иттифоқининг ана шу позицияси билан Ливан ҳукумати ва халқи номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

муноабатларни янада ривожлантиришга интилаётганлиги билдирилди.

Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзаси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР таъши ишлар министри А. А. Громико Бельгия таъши алоқалар министри Л. Тиндемансн унинг илтимосига кўра 14 март куни Кремлда қабул қилди.

Л. Тиндеманс К. У. Черненконинг вафоти муноабати билан Бельгия ҳукумати номидан чуқур таъзия из-

ететарлини Гарбий Европада баъзи мамлакатларда жойлаштириш тўғрисидаги масалалар тўхталиб ўттиди.

Л. Тинденман шу масала юзасидан АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг тутган позицияларига баъзи қийди.

Шу орада билан А. А. Громико кўйибдиган ташкиллади: Америка ракета-ларини жойлаштиришнинг давом эттирилиши Европа давлатларининг манфаатларини эътиборга олиб, уруш хавфини кучайтиради холос. Совет Иттифоқи Европа қитъасида ядровий қарама-қарши туруш даражасининг бундан буюн оширилишига қарши чиқиб

ошлаб бориш учун СССР
у томондан ҳам, бу томон-
дан ҳам тегишли чоралар
қилинишни тўхтатишни та-
лиф этади. (ТАСС).

**ЖЕНЕВАДАГИ
МУЗОКАРАЛАРДА**

ЖЕНЕВА, 14 март.
(ТАСС). Бугун бу ерда яд-
ровий ва космик қуроллар
юзасидан музокарада
СССР ва АҚШ делегацияла-
рининг ялпи мажлиси бўлди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТНИКЛАРИ**

Янги тақирниқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 14 март куни бўлиб ўтган биринчи сессиясида Ш. Р. Мирсаидов Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитининг раиси этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари асосида шаҳар хўжалиғига раҳбарлик услуб ва методларини янада тақомиллаштириш соҳасида халқ депутатларининг вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

(ЎЗАТАГ).

ТАРИХНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ САҲИФАСИ

РОССИЯДА 1905—1907 йИЛЛАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА



Республика партия ташкилотларида ягона сиёсий кунларини лухта тайёргарлик кўриб, уюшқоқлик билан юсак савияда ўтказиш борасида муайян тажриба орттирдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ваъзозликка кандидатлари, партия органларининг сайлаб қўйилган аъзolari, министрликлар, идораларнинг раҳбарлари меҳнаткашлар билан юзма-юз, очикчасига сўзлашиб, партия сиёсатини уларга тушунтириш, аини пайтда омманинг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиш ва қондириш борасида қизгин иш олиб бормоқдалар.

«Биз, партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишларида ошкораликни бундан буюн ҳам кенгайтиришимиз лозим, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида сўзлаган нутқида. — Одамлар нақадар яхшироқ хабардор бўлсалар, шу қадар оғил равишда ҳаракат қиладилар, партияни, унинг режалари ва программасини мақсадларини аниқроқ қўллаб-қувватлайдилар».

Шу йил 22 мартда республикада ўтадиган навбатдаги Ягона сиёсий кун «Тарихнинг қаҳрамонна саҳифаси» (Россияда 1905—1907 йиллар революциясининг 80 йиллиги) мавзуга бағишланади. Қўйида сиёсий кун ташкилотчилари ва иштирокчилари фойдаланиши учун мўлжалланган материални эълон қиламиз.

Б У йил империализм давридаги биринчи халқ революцияси ва 1917 йил октябрда жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эришган воқеа — эксплуататорлар ҳокимияти ағдариб ташланиб, Советлар ҳокимияти, ишчилар синфи ва бутун меҳнаткаш халқ ҳокимияти ўрнатилгани билан аниқланган Россиядаги ўч революциядан бири бўлди. 1905—1907 йиллар революциясига 80 йил тўлади. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, 1905 йилдаги каби «генерал репетиция» бўлмаганда, 1917 йилдаги буржуа, феодаль революциясининг ҳам, пролетар, Октябрь революциясининг ҳам бўлиши мумкин эмас эди».

Биринчи рус революциясининг сиёсий сабақлари бутун кунда ҳам тинчлик, демократия ва социал тартиқнинг йўлида кураш олиб бораётган халқаро коммунистлик ва ишчилар ҳаракати учун жуда ақтуал бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ва бутун инсоният тарихига энг муҳим шонли ва ёрқин саҳифа бўлиб ёзилган 1905—1907 йиллар воқеаларининг жуда катта унутилмас аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Биография, КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қароридида бу шонли санаи «партия ва мамлакат, жаҳон коммунистлик, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати тарихидаги шонли воқеа» сифатида ишониланиши зарур, деб қўйилганда, Россиядаги биринчи халқ революцияси «Янги аср бошда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг бутун бориши билан таъйинланган» ҳамда «Янги тарихий давр — чуқур социал ларзалар ва революцион жанглар даври бошланганлигидан» дарақ берганлиги қайд қилинди.

Матълумки, Россия капиталистик тараққиёт йўлига Европадаги мамлакатлардан кейин кирган эди. Бирок XIX асрнинг сўнги 30 йили ичида рус капитализми шунчалик тез ривожланди, XX асрнинг бошларидаёқ бошқа баъзи мамлакатлар сингари капитализмнинг юқори босқичи — империализмга ўсиб чiqди.

Айни вақтда, крепостнойлик қолдиқлари Россиянинг бутун иқтисодий тузумида чуқур из қолдирган бўлиб, бу ҳол ишчилар синфини капиталистик эксплуатация қилишнинг энг ваҳишона шакллари билан боғлиқ эди.

Ишчилар оғир аҳволда яшардилар. Улар капитализм зулмидангина эмас, каторга меҳнатидангина эмас, шу билан бирга чоризм зулмидан, сиёсий ҳуқуқсизликдан ҳам азоб чекардилар. Помешчиклар ва қўлоқлар томонидан азилган деҳқонлар ерсиликдан ночор аҳволда қолган эдилар. Рус бўлмаган халқлар икки ёллама зулм — ўз феодаллари, бойлари, руҳонийлари ҳамда Россия помешчиклари ва капиталистлари зулмидан азоб чекардилар. 1900—1903 йилларда мамлакатнинг чуқур олган иқтисодий таълиқ, сўнгга эса, рус-ини уруши халқ оммасининг шундай ҳам оғир аҳволни янада чуқурлаштириб юборди.

XX аср бошларида чор Россияси ўткир социал-иқтисодий, синфий зиддиятларнинг тўташган нуктаси бўлиб қолди, бу зиддиятлар фақат голибона, чинакам халқ революциясини натижасидигина ҳал қилиши мумкин эди.

Феодализм таянчи бўлган самодержавие ағдариб ташлаш, крепостнойликнинг ҳамма қолдиқларини тутатиш ана шундай шароитда пролетариат ва деҳқонлар аҳволини яхшилашнинг ягона йўли эди. 1905—1907 йиллар революцияси Россияни демократик ривожланиш йўлига солиб юборишга қаратилган эди. Бутун воқеалар XX аср бошларида Россия жаҳон революцион ҳаракатининг марказига айлانганлигидан далолат берарди.

1905 йилнинг 9 январидида Петербургда юз берган воқеалар Россияда биринчи буржуа-демократик революциясини бошлаб берди. Чор ҳукумати Петербург ишчиларининг тинч намоийшини ваҳишлиларча ўққа тутди. Намоийшчилар ўз ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини намоийшчорона билдирмоқчи эдилар. Ушбу кун миңдан ортқ ишчи ўлдиринди, беш миңга яқин кичи араланди.

«Қонли яшанба» кучли революцион ҳаракат юзасиданинг бошланғич нуктаси бўлди. Петербург пролетариатининг «Улим эки озодлик!» деган алағали шioriни бутун мамлакат ишчилар синфи билади кўтарди. Миллий зулм чоризмга нафратни кучайтириб юборган Россиянинг чека ўлкаларида сатка ҳаракат кенг кулоч ёйди. Ишчилар саткаси таъсирида қишлоқ ҳаракати келди. Деҳқонлар помешчикларнинг мулкларини нафрон қила бошладилар.

Халқнинг озодлик курашида В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси — революцион назарияни амалда ишчилар ҳаракати билан боғлаган янги тиндаги партия олдинги сафда борди. 1905—1907 йиллар революцияси жаҳон революциялари тарихида марксистик партия стратегиясини ва тактикасини аниқ ишлаб чиқилган, программасига эга бўлган мустақил сиёсий партия сифатида майдонга чиққан революция бўлди.

Партия меҳнаткашлар оммасига маҳкам таълим, уларнинг оруз ва интилишларини фойдалаб, синфий курашлар давомида оммани чиништириб, пролетариат теварагига жипс-лаштира борди.

РЕВОЛЮЦИЯ ИЛЛАРИДА В. И. Лениннинг пролетариатнинг буюк наъриятчиси ва доҳийси сифатидаги иқидий даҳоси кенг намоён бўлди. Владимир Ильичнинг оташин ва келажакни мўлжалган голлари большевиктик партияга илмий асосланган стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш, меҳнаткашлар курашининг янги орадаги на истиқболдаги вазифаларини белгилаб олиш имконини берди.

Тарихий тараққиётнинг умумий эҳтиёжларини ифода этиб, Россиядаги 1905—1907 йиллар революцияси жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлди. Бу революция Европа, Америка ва Осиёдаги маълум омманинг қизгин қўллаб-қувватлаши ва мададига сазовор бўлди. Ишчилар синфининг интернационал бирдамлиги мустаҳкамланди. Қўпгина мамлакатларда революцион ва миллий-озодлик ҳаракатлари кўтарилиб, жаҳон капитализм сис-темасининг умумий кризиси бошланганини аниқлаштирди.

1905—1907 йиллар революцияси тарихга янги типдаги буржуа-демократик революцияси бўлиб кирди. Бу тасодифий эмас. Тарихда биринчи марта ишчилар синфи ана шу революциянинг гегемони, барча меҳнаткашлар оммасининг доҳийси бўлиб майдонга чиқди. Социал-иқтисодий маъмуни жиҳатидан буржуа-демократик революция кураш, воситалари ва формаси жиҳатидан пролетар революцияси эди.

Революцион воқеаларнинг авж олишида 1905 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган РСДРПнинг III съезди жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу — ўз материаллари ва қарорларида меньшевиктик оппортунизмга қарши, янги типдаги партияни тузиш учун, Россияда биринчи халқ революциясини тайёрлаш ва ўтказиш учун курашда В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар кураши тақрибаси му-жассамлашган биринчи большевиклар съезди эди.

Марксизм-ленинизм таълим берганидек, революциянинг тўб масаласи — бу ҳокимият ҳақидаги масаладир. Матълумки, Гарбдаги буржуа революциялари феодаль-монархия ҳокимиятини ағдариб ташлаб, буржуа ҳокимияти ўрнатилди билан тугади. Россияда ҳам меньшевиклар худди шундай қилмоқчи бўлишди. Лекин большевиклар биринчи Россия революциясида ҳокимият масаласини кўриб чиқар эканлар, пролетариат ва деҳқонларнинг революцион-демократик диктатурасини ўрнатили тўғрисида Ленинга гоили қўллаб-қувватладилар. Ана шу диктатуранинг бевосита диллат ҳокимияти органи муваққаб революцион ҳукумат бўлиши керак, деб эътироф этилди. РСДРП III съезди большевиклар буржуа-демократик революциясини охиригача етказиб, уни социалистик революцияга айлантиришни ана шу ҳокимиятнинг асосий вазифаси, деб билдилар.

РСДРП III съезди қарорларини, большевикларнинг революциядаги стратегик плагин ва тактик йўли В. И. Лениннинг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган ва 1905 йилда чоп этилган машҳур асарига назарий жиҳатдан доҳиёна асослаб берилди.

1905 йил кузига келиб революцион ҳаракат бутун мамлакатга ёйилди. Москва ва Петербург ишчилари ташаббус билан 1905 йил октябрда Бутунроссия сиёсий саткаси бошланди. Бу сатка барча асосий саноат марказларини ва кудратли сиёсий қишлоқ айлانган пролетариат ҳаракатини ўз ичига олди.

1905 йил май ойида революцион кураш авж олган шароитда Иваново-Вознесенскда Россияда биринчи илчи депутатларининг умумшаҳар Совети барпо этилди. Кейинчалик бундай Советлар бошқа жойларда ҳам пайдо бўлди. В. И. Ленин бу воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, Советларни келажакда пролетариат диктатураси давлат ҳокимиятининг тимсоли бўлган янги революцион ҳокимиятнинг куртаги, деб баҳоладди.

1905 йил декабрь курулди қўзғолони революция ривожининг энг юқори нуктаси бўлди. Самодержавиега қарши қўзғолоннинг қизил байроғини биринчи бўлиб Москва ишчилари кўтариб чиқдилар. Улар манфур чор самодержавиесига қарши қўлга қурул олиб, қишлоқда оқи ва дадил кураш майдонига чиқдилар. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, Москва ишчиларининг қаҳрамонлиги Россиянинг барча меҳнаткашлар оммаси учун кураш намунаси бўлди.

Декабрь курулди қўзғолони чоризм томонидан ёвузларча бостирилди. Шунга қарамай, В. И. Ленин ана шу революцияга баҳо бериб буцай деб ёзган эди: «Революцион кураш бутун дунё тарихида биринчи марта шундай юксак поғонага кўтарилди ва шундай куч билан ривожланди, курулди қўзғолон оммани сатка билан, пролетариатга хос мана шу қурул билан қўшилиб юзага чиқди; равшани, бу тақриб барча пролетар революциялари учун оламшумул аҳамиятга эга».

Улуғ Октябрь социалистик революцияси галабасидан бир йил кейин В. И. Ленин биринчи Россия революциясининг юқори босқичи бўлган курулди қўзғолоннинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. «Пресия ишчиларининг қаҳрамонлиги бевор кетмади, — деб ёзди Владимир Ильич. — Улар берган қурулди бехуда кетмади. Чор монархиясига биринчи раҳна солиди, бу раҳна секин-аста, лекин тинмай кенгайиб борди ва эски, ўрта асрчилик тартибининг заифлангани, 1905 йил декабрдаги курулди қўзғолонгача Россиядаги халқ эксплуататорларга қарши оммани қурулди кураш олиб боришга қобилиятсиз бўлиб келди. Декабрдан кейин бу халқ ўзгарди. У бутунлай бошқа бир халқ бўлиб қолди. У жангда тобланди. У қўзғолонда чиниқди. У шундай жангчиларни етиштириб чиқардики, булар 1917 йилда галаба қилдилар».

Декабрь қўзғолони мағлубиятга учраган, революция халқ тўққинининг сусайиши ва қора реакциянинг авж олиши даврига кирди. Шундай бўлса-да, ана шу оғир, қийин шароитда ҳам революция давом этди. Пролетариат биринчи бўлиб чоризмга қарши курашга кўтарилди ва сўнгги жанглар билан чекинди. Пролетариатнинг шиддатли жанглари, давом этган оммани-сиёсий саткалар, контр-революциянинг қаттиқ хуружини тўхтатиб турди ва ишчилар синфининг қолган ҳамма резервларини ҳам революцион ҳаракатга жалб этишда давом этди. 1906 йилда деҳқонлар ҳаракати кенг авж олди.

Жаҳон реакцияси революция устидан галаба қозонибди деб бехуда чиранди, революциянинг тор-мор этилганлидан бехуда қудди. 1905—1907 йиллар воқеаларининг тарихий сабақлари бехуда кетмади.

Орадан атиги 10 йил ўтди. 1917 йил октябрда биринчи халқ революцияси сабоги ва тақрибасидан фойдаланиб Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан иттифоқда Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимиятини ўрнатди ва голибона социализм қурилиши йўлини очди.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СОВЕТ ИТТИФОКИ КОММУНИСТЛАРИ, БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИ ЛЕНИН ПАРТИЯСИ
БИЛАН ХАЛҚ ТАРИХИДАГИ
ШОНЛИ САНАНИ — РОССИЯДАГИ
БИРИНЧИ РЕВОЛЮЦИЯНИНГ
80 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ
КУТИБ ОЛАДИЛАР, УНИ
УЛУГ СОЦИАЛИСТИК ВАТАНИМИЗ
МАНФААТЛАРИ, СОЦИАЛИЗМ
ВА ТИНЧЛИК ИШИ ТАНТАНАСИ
ЙУЛИДАГИ МЕХНАТДА
ЯНГИ-ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН
НИШОНЛАЙДИЛАР. ДЕБ
ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.**

КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарориди.

1905—1907 йиллар революциясининг муҳим хусусияти шунки, у интернационал ҳаракатга эгадир. Революцион жанглар оловида Россиядаги барча миллиятларнинг ягона революцион фронтни таркиб тоиди. Бутун революция давомида самодержавие ва помешчикларга қарши рус ишчилари ва деҳқонлари билан биргаликда мамлакатдаги барча миллият ва элатлар халқ оммаси, шу жумладан, Туркистон меҳнаткашлари ҳам қаҳрамонна кураш олиб бордилар.

1905—1907 йилларда Туркистондаги революция Россиядаги биринчи революциянинг таркибий қисми бўлди. Марксизм-ленинизм гоилари Туркистон социал-демократларига, улар орқали эса ўлканинг илгор ишчиларига большевиктик матбуот, марксизм-ленинизм асосчилари асарларини тарқатиш йўли билан етди борди.

Бунда Тошкент, Самарқанд, Қизил Арват ва бошқа жойлардаги социал-демократик ташкилотлар катта роль ўйнадилар. Тошкент социал-демократларининг яшири босмаҳонасида чор ҳукуматининг найрағларини фотэтувичи, халқни кескин революцион ҳаракатга чақирувчи ҳамда ишчилар, деҳқонлар, солдатларга қаратилган қўпгина чақиривлар босилди.

Туркистондаги революцион ҳаракат февраль-март ойларида темирўлчулар забас-товкаси ва Бутунроссия саткаси даврида кенг ривожланди. Шу жангларда Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қизил Арват ва бошқа шаҳарларнинг ишчилари «Йўқолсин чоризм!», «Яшасин демократик республика!» деган сиёсий шiorлар остида жипс-лашиб майдонга чиқдилар.

Октябрь сиёсий саткалари вақтида Туркистонда ҳам ишчиларнинг Советлари ва революцион комитетлари тузилди. Ишчилар синфий кураши таъсирида деҳқонлар орасида революцион ҳаракат муттасил аўтарилиб борди.

Революция даври Туркистонда социал-демократик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. 1905 йилнинг охирига келиб ўлкада РСДРПнинг 17 та ташкилотини, қўпгина майда социал-демократик гуруҳларни, 7 та яшири босмаҳона фаол ишлади. Ушбу нолегал ва битта легаль социал-демократик газета нафр этилди. Большевиклар муҳаррирлик қилган «Самарқанд» ва «Русский Туркестан» газеталари омма орасида кенг тарқалди.

1905 йил августда бўлиб ўтган ўлка партия конференциясида «РСДРПнинг Туркистон ташкилотлари союзи» барпо этилди. Туркистон большевиклари 1905—1907 йилларда маҳаллий миллият деҳқонлари ва шаҳар камбағаллари орасида иш олиб бордилар. Улар газета ва варақаларда Ленин партиясининг миллий сиёсатини тушунтириб берад ва ўлкада яшовчи барча миллият меҳнаткашларини рус пролетариати теварагига жипс-ла-

штига даъват етдилар. Бу ишда В. М. Морозов, В. Д. Корнишин, К. Д. Литвинчик, А. В. Худаш ва бошқа большевиклар катта роль ўйнадилар.

Бутун Россияда бўлганидек, Туркистон меньшевиклари ва эсрлари ҳам маҳаллий миллият меҳнаткашларига нисбатан парокандалик йўлини тутиб, шовинистик позицияда турдилар.

РОССИЯ ИШЧИЛАР СИНФИНING революцион кураши таъсирида революцияда маҳаллий миллият меҳнаткашлари тобора ақтив қатнаша бошладилар. Улар орасида С. Қосимхўжаев, К. Ашуров, А. Комилжонов, Д. Устабоев, И. Шаджанов ва бошқа омма раҳнамолари бор эди. Маҳаллий миллият илгор ишчилари рус пролетарлари билан биргаликда Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қизил Арват ва бошқа жойлардаги намоийшларда ва сиёсий забастовкаларда қатнашдилар. Бойлар, помешчикларга қарши чиққан деҳқонлар орасида ҳам стихийли ҳаракат авж олди. Деҳқонларнинг солиқлар тўлашдан бош торттиши, маҳаллий маъмуриятга бўйсунмаслик фактлари кўпайди. Бу борада Фарғона водийси деҳқонлари орасидаги галаблар, айниқса, қўзға ташланарлиқдир. Шундай қилиб, сиёсий жиҳатдан энг қолоқ деҳқонлар оммаси ҳам революцион-озодлик курашига кўтарилди. В. И. Лениннинг революцион курашининг биринчи ютуқлари тўғрисидаги қуйидаги сўзлари тўла тасдиқланди: «Пролетар ҳаракати энди энг чека ўлкаларга ҳам ёйилиб, тобора кенгайиб бормоқда. Жамиятнинг ниҳондаги хилма-хил ва энг қолоқ қатламлари галабларда ва норозилик ҳаракатлари келиб қўшилмоқда».

Биринчи рус революцияси мағлубиятга учраган бўлса-да, у чинакам тарихий аҳамиятга эга. Бу революция чоризмга зарба бериб, унинг пайини қирғиш билан бирга, империализмга ҳам қаттиқ зарба берди. В. И. Ленин бу революция таърибасининг буюк аҳамиятини таъкидлаб, у 1917 йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг генерал репетицияси бўлиб, деб айтган эди.

1905—1907 йиллар революцияси революцион деҳқонлардан иборат ўз иттифоқсизига эга бўлган дунёда энг революцион рус пролетариатининг буюк кучини кўрсатди. У аини вақтда капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларда ишчилар синфининг революцион курашини ва Хиндистон, Эрон, Хитой, Афғонистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги маълум халқларнинг миллий озодлик курашини юксалтирди. «Рус — япон уруши ва рус революцияси Осиё халқларининг сиёсий ҳаётга уйғониши учун алоҳида бир туртки бўлди», — деб ёзган эди В. И. Ленин. Рус революцияси бутун Осиёни ҳаракатга келтирди.

Россиядаги биринчи революция рус пролетариати ҳақиқатан ҳам синфга, жаҳон революцион ҳаракатининг авангардига айланди бутун дунёга намоийш этди. Рус пролетариати уч йил давомида (1905—1907 йиллар) ўз қаҳрамонна кураши билан «Ўзи учун ва рус халқи учун шундай бир ютуққа эришдики, бундай ютуққа эришмоқ учун бошқа халқлар ўн йиллаб қатъ сарф қилган эдилар. У ишчиларни хонин, рақил ва кучсиз либерализм таъсиридан қутқазди. У социализм йўлида курашмоқ учун зарур шарт бўлган гегемон ролини озодлик учун олиб борилган курашда ўз қўлига олди».

1905—1907 йиллар революциясидан кейин ўтган 80 йил ичида ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрйли мамлакатимиз барча халқларининг ҳаёти тубдан ўзгарди.

КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қароридида айтилганидек, социалистик қурилиш давомида Советлар мамлакатни кураш ва галабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди. Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи эксплуатациянинг ҳамма шакллариини тутатиб, социализм қурилиши ленинча плагини амалга оширди. Асрий қолоқлик тарихан қисқа муддат ичида тутатилди. СССР қудратли индустриал-аграр мамлакатга айланди. Қишлоқ хўжалиги социалистик асосда қайта қурилди, маданый революция амалга оширилди. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ ээлиларининг бузилмас иттифоқи таркиб тоиди. Халқларнинг турмуш шароити бекиёс яхшиланди. СССРда демократиянинг янги типин — буржуа давлати шароитида бўлмаган ва бўлиши мумкин бўлмайдиган граждандарнинг ҳуқуқ ва эркинликларини гарантйяловчи социалистик демократия қарор тоиди. Барча Совет республикалари чинакам равақ йўлига кирдилар. Халқларнинг тенглиги, дўстлиги ва қардошлиги реал бўлиб қолди.

СССР коммунизмининг биринчи фазаси доирасида олға томон катта қадам ташлаб, янги, тарихан узоқ босқич — ривожланган социализм босқичига кирди. Уни плагини равақда ва ҳар томонлама тақомиллаштириш партия ва халқ феолиятининг яқин келажакдаги асосий маъмузини ташкил этади. КПСС партия XXVI съезди, Марказий Комитет шундан кейинги Пленумлари қарорларига амал қилиб, социал-иқтисодий тараққиёт йўлларини оймоқда.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг ленинча ташкил сиёсатини амалга ошириш учун ҳормас-толмас ва изчил кураш давомида орттирган халқаро обрўси юксалди. АКШ ва унинг НАТО бўйича иттифоқчилари тарихнинг боришини орқага буришга уринаётган, халқларга ўз ироқсини зўрлик йўли билан ўтказмоқчи бўлган, халқаро вазият кескинлашган шароитда тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг илгончи таянчи бўлиши социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипс-лашнинг аҳамияти айниқса, каттадир.

Варшава Шартномаси асосида бирлашган қардош социалистик мамлакатлар уруш оловини ёқувчиларга кескин зарба бериш учун барча зарур воситаларга эгадилар. Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникаий ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб, доимо чуқурлашиб бормоқда. СССР халқлари қардошлик оиласида ўзбек халқининг, республика барча меҳнаткашларининг ҳаёти ҳам гуллаб-йиллади. Ўзбекистон СССРда ҳозирги вақтда саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи бўлиб, унинг таркибига 1700 дан кўп йирик фабрика ва заводлар бор. Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилдагига нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 428 баравар кўпайди.

Катта химия, кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кўмир, газ, кон металлургияси, олтин қазни олиб, электротехника, енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқлари барпо этилди ва тез ривожланмоқда. Республика саноати махсулоти барча қардош республикаларга етказиб берилмоқда. Ўзбекистон СССР Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган барча социалистик мамлакатлар билан узаро иқтисодий алоқаларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Унинг махсулоти Европа ва Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 70 дан кўп мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ақойиб ўзгаришлар юз берди. Колхоз тузумининг галабаси натижасида Ўзбекистон юксак даражада ривожланган кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўлкасига айланди. Қишлоқ хўжалигининг етанги тармоғи — пахтачилик республика бойлигининг асосий манбаидир. Мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиши Ўзбекистон ҳозирги вақтда СССРда етиштирилмаган пахтанинг учдан икки қисмини бермоқда. Агросаноат комплекси салмоғи муттасил ўсиб бормоқда, чорвачилик махсулоти, ем-хашак, дон, сабзавот, узум, полд экинлари, пилла, қаноп етиштириш кўпаймоқда. Умумийтйфок фондида қишлоқ хўжалик махсулоти етказиб бериш плагини мунтазам равишда бажарилмоқда.

МАДаний РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ютуқлари каттадир. Республикада умумий таълим, ўрта махсус, олий мактаб, хунар-техника таълими, фан ва маданият муваффақиятли ривожланмоқда.

Бутунги Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, капитализмдан социализмнинг, совет турмуш тарзининг, давлат ва иқтисодий тузумимиз буюк афзаллиқларининг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз революцион ҳаракати тарихини ўрганиш социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш маъмузини чуқур тушуниб етишни, олға томон ҳаракат қилишимизга ҳалақат бераётган маънавий камчиликларни тутатиш мақсадида партия, совет ва жамоат ташкилотлари фаолиятини танқидий анализ қилишни тақозо этади.

Бу йўлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми муҳим қадам бўлди. Пленум қарорларига мувофиқ республикада негатив ҳодисалар кескин тутатилмоқда, маънавий-психологик вазият соғломлашмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатида шунга қатъий ишонч билдирилдики, коммунистлар, барча совет ишчилари юксак оғиллиги ва ушқоқлик кўрсатиб, янада зўр ғайрат ва фидоюрлик билан меҳнат қиладилар, Ватанимизнинг иқтисодий ва мадффа қудратини мустаҳкамлайверадилар, Улуғ Октябрь бағриғини муносиб равишда балад кўтариб бороверадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Плен

